



ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Рустамов Зокир,

*Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар
институтини етакчи мутахассиси
Э-mail: zokir.toirovich@mail.ru*

Аннотация

Ушбу мақолада яшил иқтисодиётнинг назарий-методологик асослари, унинг замонавий ривожланиш тенденциялари ҳамда Ўзбекистон Республикасида ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислохотлар таҳлил қилинган. Тадқиқотда яшил иқтисодиётнинг барқарор ривожланишни таъминлашдаги ўрни, ресурс тежамкорлик, қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш, экологик хавфларни камайтириш ва иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилишдаги аҳамияти ёритилган. Мақолада Ўзбекистон Республикаси расмий статистик маълумотлари асосида мамлакатда яшил иқтисодиётга ўтиш жараёнида кузатилаётган асосий тенденциялар, жумладан, энергия самарадорлиги, қайта тикланувчи энергия улушининг ортиши, экологик йўналтирилган инвестициялар ва тармоқлар бўйича ўзгаришлар кўриб чиқилган. Шу билан бирга, хорижий мамлакатлар тажрибаси қиёсий жиҳатдан таҳлил қилиниб, уларнинг илғор ёндашувлари ва амалий механизмларини Ўзбекистон шароитига мослаштириш имкониятлари баҳоланган.

Калит so‘zlar:

яшил иқтисодиёт, барқарор ривожланиш, қайта тикланувчи энергия, энергия самарадорлиги, яшил инвестициялар, экологик барқарорлик, Ўзбекистон.

Зеленая экономика и тенденции ее развития

Рустамов Зокир

Институт макроэкономических и региональных исследований
Ведущий специалист

Аннотация. В данной статье анализируются теоретико-методологические основы зеленой экономики, современные тенденции ее развития и реформы, проводимые в Республике Узбекистан в этом направлении. В исследовании освещается роль зеленой экономики в обеспечении устойчивого развития, ресурсосбережении, широком внедрении возобновляемых источников энергии, снижении экологических рисков и модернизации отраслей экономики. В статье рассматриваются основные тенденции, наблюдаемые в процессе перехода к зеленой экономике в стране, основанные на официальной статистике Республики Узбекистан, включая энергоэффективность, увеличение доли возобновляемых источников энергии, экологически ориентированные инвестиции и изменения в

отраслях. При этом был проведен сравнительный анализ опыта зарубежных стран и оценены возможности адаптации их передовых подходов и практических механизмов к условиям Узбекистана.

Ключевые слова: зеленая экономика, устойчивое развитие, возобновляемая энергия, энергоэффективность, зеленые инвестиции, экологическая устойчивость, Узбекистан.

The green economy and its development trends

Rustamov Zokir

Institute of Macroeconomic and Regional Studies, leading specialist

Abstract. This article analyzes the theoretical and methodological foundations of the green economy, current trends in its development, and the reforms being implemented in the Republic of Uzbekistan in this area. The study highlights the role of the green economy in ensuring sustainable development, resource conservation, the widespread adoption of renewable energy sources, the reduction of environmental risks, and the modernization of economic sectors. The article examines the main trends observed in the country's transition to a green economy, based on official statistics of the Republic of Uzbekistan, including energy efficiency, the increasing share of renewable energy sources, environmentally oriented investments, and changes in economic sectors. In addition, a comparative analysis of the experience of foreign countries was conducted, and the potential for adapting their advanced approaches and practical mechanisms to Uzbekistan's conditions was assessed.

Keywords: green economy, sustainable development, renewable energy, energy efficiency, green investments, environmental sustainability, Uzbekistan.

Кириш. Яшил иқтисодиёт тушунчаси амалда “иқтисодий ўсиш табиатнинг мавжуд ресурсларини бориचा ишлатиш” деган эски тенгламани қайта ёзишга уринишдир: инсон фаровонлиги ва ижтимоий адолатни ошира туриб, экологик рисклар ва ресурс танқислигини камайтириш. Ўзбекистон шароитида бу концепция, қуйидаги стратегик сабаблар туфайли долзарбдир: энергияга талабнинг тез ўсиши; экспорт рақобатбардошлиги учун энергия самарадорлиги ва углерод изини пасайтириш; иқлим сиёсатининг халқаро мажбуриятлари ва ташқи бозорларда “яшил” стандартларнинг кучайиши оқибатларида. Ўзбекистонда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш алоҳида соҳавий лойиҳалар йиғиндиси эмас, балки ҳукуқий-меъёрий ислоҳотлар, бозор сигналлари, инвестиция ва молия инструментлари, маълумотлар, ҳамда технологиялар портфелини бир вақтда бошқаришни талаб қилади.

Адабиётлар таҳлили. Халқаро ва миллий олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар ўрганилди ва қуйидагилар аниқланди: Д. Пирс, А. Марканья ва Э. Барбьер ўзларининг *Blueprint for a Green Economy* (1989)¹ (1) номли мақоласида иқтисодий ривожланишни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш,

¹ Pearce, David & Markandya, Anil & Barbier, Edward. (1989). *Blueprint for a Green Economy*. XF2006304284. 10.4324/9780203097298.

табiiй ресурсларни баҳолаш ва экологик харажатларни иқтисодий қарорларга киритиш билан уйғунлаштириш ғоясини илгари сурганлар. Э. Барбьер “Green Stimulus, Green Recovery and Global Imbalances” (2010)² мақоласида яшил инвестициялар иқтисодий тикланишни ҳам, экологик барқарорликни ҳам қўллаб-қувватлашни таъкидлайди. А. Боуэн ва К. Хепберн “Green Growth: An Assessment” (2014)³ мақоласида яшил ўсиш ўз-ўзидан юз бермаслиги, бунинг учун давлат сиёсати, инновация ва институционал ислохотлар зарурлигини асослайдилар. Т. Жексон эса *Prosperity without Growth*⁴ асарида фаровонликни фақат ЯИМ ўсиши билан эмас, балки экологик барқарорлик ва ижтимоий сифат билан баҳолаш кераклигини кўрсатган. Ўзбекистон олимларидан Севара Ибрагимова “Reforms in Uzbekistan in the Transition System to a ‘Green Economy’” (2023)⁵ мақоласида мамлакатда яшил иқтисодиётга ўтиш жараёнида амалга оширилаётган ислохотлар ва иқтисодиётга яшил механизмларни жорий этиш масалаларини ёритган. Сарбиназ Утегенова ва Гулназ Халиқназарова “State, Dynamics and Problems of Development of the ‘Green’ Economy in the Republic of Uzbekistan” (2024)⁶ мақоласида Ўзбекистонда яшил иқтисодиётнинг ҳолати, динамикаси ва асосий муаммоларини таҳлил қилган. Рустам Наимов “Green Economy and Environmental Protection” (2025)⁷ мақоласида яшил иқтисодиётни атроф-муҳит муҳофазаси, ресурс тежамкорлик ва яшил инвестициялар билан боғлаб шарҳлаган. Мафтуна Розиева ва Зарафшон Махтимова “Financing of Entrepreneurial Activity in the Conditions of a Green Economy” (2025)⁸ мақоласида яшил иқтисодиёт шароитида тадбиркорликни молиялаштириш, яшил молия ва рағбатлантирувчи инструментлар аҳамиятини очиб берганлар.

Методология. Тадқиқотнинг методологик асосини индукция, дедукция, анализ, синтез, диалектик мантиқ ташкил этади. Тадқиқотда таҳлил ва таққослаш усулидан фойдаланилди. Бунда илмий кузатишда қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилди. Тадқиқот жараёнида маҳаллий ва хорижий муаллифларнинг илмий ишлари, хорижий мамлакатлари вазирлик ва идораларининг расмий сайти маълумотлари, Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, электрон ресурслар ҳам ўрганилган.

Натижалар таҳлили. Ўзбекистонда “яшил” трансформациянинг дастурий пойдевори 2019–2030 йилларга мўлжалланган “яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегияси билан мустаҳкамлаб қўйилган.

² Barbier, Edward. (2010). Green Stimulus, Green Recovery and Global Imbalances. *World Economics*, 11. 149-177.

³ Bowen, Alex & Hepburn, Cameron. (2015). Green growth: An assessment. *Oxford Review of Economic Policy*, 30. 407-422. 10.1093/oxrep/gru029.

⁴ <http://gesd.free.fr/timjack.pdf>

⁵ Sevara Ibragimova “Reforms in uzbekistan in the transition system to a "green economy". (2023). *Modern Science and Research*, 2(6), 5-8.

⁶ Sarbinaz Utegenova., Gulnaz Khaliqnazarova State, dynamics and problems of development of the «green» economy in the republic of uzbekistan. (2024). *modern science and research*, 3(8), 102-107.

⁷ Rustam Naimov., Green economy and environmental protection. (2025). *International Journal of Artificial Intelligence*, 1(1), 180-187.

⁸ Roziyeva Maftuna, & Makhtimova Zarafshon. (2025). Financing of entrepreneurial activity in the conditions of a green economy. *International Journal Of Management And Economics Fundamental*, 5(02), 42–47. <https://doi.org/10.37547/ijmef/Volume05Issue02-10>

2030 йилгача “яшил иқтисодиёт” ва “яшил ўсиш”ни таъминлашга қаратилган давлат дастури доирасида бир қатор мақсадли индикаторлар белгиланган, жумладан:

- 2030 йилгача ЯИМ бирлигига нисбатан иссиқхона газлари солиштирма ажратмаларини 2010 йилга нисбатан 35%га пасайтириш;
- қайта тикланувчи энергия қувватларини ошириш ва электр генерациясининг улушини 30 фоизини “яшил” манбалар ҳисобига таъминлаш.⁹

2016–2025 йилларда соҳада электр энергияси ишлаб чиқариш 59,0 млрддан 86,7 млрд кВт·соатгача ўсган. Бу 9 йилда тахминан 47% ўсиш бўлиб, иқтисодиёт ва аҳоли истеъмолининг ошиши фондида таъминотни кенгайтириш тенденциясини кўрсатади.

Электр энергияси ишлаб чиқариш (2018–2025)¹⁰

Йил	Ишлаб чиқариш, млрд кВт·соат
2018	62,8
2019	63,6
2020	66,4
2021	71,3
2022	74,3
2023	78,0
2024	81,5
2025	86,7

2025 йил якунлари “яшил” генерация ўсишини алоҳида ажратиб кўрсатади, қуёш, шамол ва ГЭСлар орқали 16,8 млрд кВт·соат ишлаб чиқарилган; бунда қуёш ва шамол генерацияси ҳиссаси 10,5 млрд кВт·соат. Бу электр ишлаб чиқаришда “яшил” технологиялар улуш тахминан 19%га, қуёш ва шамол улуши эса 12%га яқинлигини англатади.

2025 йил охирида ҳам қувватлар таркибида ҳам структурали силжишлар кузатилган бўлиб 148 та электр станциянинг жами қуввати 25 797 МВт бўлиб, шундан иссиқлик станциялари 17 551 МВт, ГЭСлар 2 441 МВт, қуёш фотоэлектр станциялари 3 930 МВт, шамол станциялари 1 652 МВт. Мавжуд маълумотларга кўра, гидро, қуёш ва шамол улуши қувватда 31% атрофида, аммо генерацияда 19% атрофида бу “қайта тикланувчи қувватлар ўсди, лекин тармоқ/сақлаш ва мавсумийлик сабаб генерация улуши ҳали ҳам пастроқ” деган классик ҳолатни кўрсатади.

2025 йил якунида генерация қувватлари таркиби¹¹

Тоифа	Қувват, МВт	Улуш, % (ҳисоб-китоб)
Иссиқлик (ИЭС)	17 551	68,0
Гидро (ГЭС)	2 441	9,5
Қуёш (ҚФЭС)	3 930	15,2
Шамол (ШЭС)	1 652	6,4

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 декабрь 2022 йилдаги ПҚ-436-сонли “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

¹⁰ Uzbekistanmet очик маълумоти асосида 2016–2025 йилларда учун Энергетика вазирлиги сарҳисоби.

¹¹ Энергетика вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Тоифа	Қувват, МВт	Улуш, % (ҳисоб-китоб)
Блокстанциялар	223	0,9
Жами	25 797	100,0

Инвестициялар, “яшил” молия ва бозор механизмлар саҳасида қуйидаги ҳолатлар кузатилмоқда. Биринчиси — мамлакатда умумий инвестициялар ҳажми ошиб бормоқда. 2025 йил январь–декабрь ойларида асосий капиталга киритилган инвестициялар 591,1 трлн сўмни ташкил қилган ва бу 2024 йилга нисбатан 10,5 фоизга кўп дегани. Шунингдек, инвестицияларни молиялаштиришда хорижий инвестициялар ва хорижий кредитлар улуши катта бўлиб, уларнинг ҳажми 389,6 трлн сўмга етган. Бу ҳолат Ўзбекистон иқтисодиётига ташқи молиявий ресурслар фаол кириб келаётганини кўрсатади. Иккинчиси — энергетика соҳаси инвестицияларни жалб қилишда асосий йўналишлардан бирига айланган. 2025 йилда ёқилғи-энергетика комплексига ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми 11 млрд долларни ташкил этган, бу эса республика бўйича жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг тахминан 25 фоизига тўғри келади. Демак, энергетика соҳаси, айниқса уни модернизация қилиш ва янги қувватларни яратиш жараёни мамлакатда инвестиция фаоллигининг муҳим қисми бўлиб қолмоқда.

Бозор механизмлари масаласида ҳам янги қадамлар кузатилмоқда. Хусусан, Ўзбекистонда ихтиёрий иссиқхона газлари савдоси, MRV тизими, “яшил энергия сертификатлари” ва “яшил таксономия” каби механизмлар муҳокама қилинмоқда ва босқичма-босқич жорий этилмоқда. (MRV — чиқиндилар ёки иссиқхона газлари қанча эканини кузатиш, ҳисобот қилиш ва текшириш тизими).

Юқорида келтириб ўтилган механизмлар ва олиб борилган ишлардан ташқари хорижий тажрибани ўрганиш ва уни Ўзбекистон шароитида қўллаш чораларини кўриш замон талабига айланмоқда. Бунда чет эл тажрибасини ўрганиш қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришда технологик ўсиш билан бир қаторда институционал ва бозор механизмлари ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини кўрсатади. Хусусан, Германияда 2024 йилда электр истеъмолида қайта тикланувчи энергия манбалари улуши 54,4 фоизга етгани юқори даражадаги энергетик трансформацияни ифода этади. Бу тажриба қайта тикланувчи энергия улушининг ўсиши электр тармоқларини модернизация қилиш, баланслаш қувватларини кенгайтириш ва энергия сақлаш тизимларини ривожлантиришни талаб қилишини кўрсатади. Шу билан бирга, аукционлар, тармоққа уланиш қоидалари ва самарали бозор механизмлари технологик ривожланишдан кам аҳамият касб этмайди.

Қозоғистон тажрибаси ҳам Ўзбекистон учун муҳим аҳамиятга эга. 2024 йилда ушбу мамлакатда қайта тикланувчи энергия манбалари ҳиссаси 6,43 фоизга етган. Бу эса ресурсларга бой ва анъанавий энергетика устун бўлган иқтисодиёт шароитида ҳам қайта тикланувчи энергия улушини босқичма-босқич ошириш мумкинлигини кўрсатади. Бунда изчил аукцион сиёсати, тармоқ инфратузилмаси ва молиялаштириш механизмларининг ўзаро уйғунлиги асосий омил ҳисобланади.

Марокаш тажрибаси эса йирик “яшил” энергетика лойиҳаларини амалга оширишда давлат-хусусий шериклик ва халқаро молия институтлари иштирокининг аҳамиятини намоён этади. Ушбу мамлакатда 2030 йилгача қайта тикланувчи энергия улушини 52 фоизга етказиш мақсади белгиланган бўлиб, бунда узоқ муддатли шартномалар, аниқ риск тақсимоти ва инвестиция учун жозибадор лойиҳа тузилмалари муҳим роль ўйнамоқда. Бу ҳолат Ўзбекистонда ҳам “bankable” лойиҳалар портфелини шакллантириш зарурлигини кўрсатади.

Жанубий Корея тажрибаси “яшил” молиялаштиришда таксономия ва меъёрий қоидаларнинг аҳамиятини очиб беради. У ерда 2021 йилда миллий “яшил таксономия”, 2022 йилда эса “яшил облигациялар” бўйича кўрсатмалар жорий этилган. Бу эса молия бозори иштирокчилари учун қайси фаолият ҳақиқатан “яшил” ҳисобланишини аниқ белгилаб, greenwashing хавфини пасайтиришга хизмат қилади. Умуман, мазкур мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда яшил иқтисодиётни ривожлантириш учун қайта тикланувчи энергия қувватларини ошириш билан бирга, электр тармоғини модернизация қилиш, аукцион ва тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш, яшил таксономияни жорий этиш ҳамда халқаро молиявий институтлар иштирокида инвестициявий лойиҳаларни кенгайтириш зарур.

Хулоса ва таклифлар. Мазкур тадқиқот натижалари асосида қисқа, ўрта ва узоқ муддатли чора-тадбирларни қамраб олувчи комплекс ёндашувни шакллантириш мақсадга мувофиқ. Бунда асосий эътибор қайта тикланувчи энергия қувватларини кенгайтиришни молиялаштириш механизмлари, электр тармоғи инфратузилмаси ва статистик-ҳисобдорлик тизими билан уйғун ҳолда ривожлантиришга қаратилиши лозим. Акс ҳолда, янги генерация қувватлари ишга туширилган тақдирда ҳам, уларни электр тизимига самарали интеграция қилишда муаммолар юзага келиши мумкин.

Қисқа муддатли истиқболда биринчи навбатда MRV тизими ва миллий “яшил таксономия”ни ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ жорий этиш зарур. Бу давлат органлари, молия институтлари ва инвесторлар учун ягона ҳисобдорлик ва баҳолаш мезонларини шакллантириб, “яшил” молиялаштириш ҳамда карбон бозори инструментларига нисбатан ишончни оширади. Шу билан бирга, қайта тикланувчи энергия манбалари улуши юқори бўлган ҳудудларда тақсимлаш тармоқларини модернизация қилиш ва ушбу йўналишдаги инвестицияларни тезлаштириш талаб этилади. Электр тармоқларига техник уланиш ва диспетчерлаш қоидаларини янада шаффофлаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга, чунки генерация қувватларининг ўсиши инфратузилма имкониятлари билан мувофиқлаштирилиши шарт.

Ўрта муддатда энергия самарадорлиги ва талаб томонида ресурс тежамкорлигини рағбатлантиришга қаратилган молиявий механизмларни кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Хусусан, энергия тежамкорликка қаратилган лойиҳаларни янги энергия ишлаб чиқариш объектлари билан тенг даражада иқтисодий аҳамиятга эга инвестиция йўналиши сифатида баҳолаш зарур. Шу нуқтаи назардан, ESCO механизмлари, KPI-базали шартномалар ва натижага йўналтирилган молиялаштириш инструментларини кенг татбиқ этиш муҳим ҳисобланади. Айни пайтда, қайта тикланувчи энергия манбалари улушининг

ортишига мос равишда энергияни сақлаш тизимлари, хусусан батарея технологиялари ҳамда манёвр қувватларини ривожлантиришга қаратилган аукцион ва давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳаларни кенг йўлга қўйиш лозим.

Узоқ муддатли истиқболда эса асосий эътибор иссиқхона газлари чиқарилиш интенсивлигини камайтиришни уларнинг мутлақ ҳажми динамикаси билан мувофиқлаштиришга қаратилиши керак. Чунки иқтисодий ўсиш юқори суръатларда давом этган шароитда интенсивликнинг пасайиши умумий эмиссия ҳажмининг ортишини тўлиқ чекламаслиги мумкин. Шу боис, келгусида ETS ёки углерод солиғи каби бозор механизмларини босқичма-босқич, аввало энергетика ва саноат тармоқларида пилот тартибда, кейин эса кенг қамровли тарзда жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бироқ мазкур жараён ижтимоий жиҳатдан мувозанатли олиб борилиши лозим. Бунинг учун қайта тайёрлаш дастурлари, ҳудудий инвестициялар ва кам таъминланган аҳоли қатламларини манзилли қўллаб-қувватлашга қаратилган “адолатли ўтиш” чораларини ҳам параллел равишда амалга ошириш талаб этилади.

Шу билан бирга, узоқ муддатли институционал ривожланиш нуқтаи назаридан “яшил ЯИМ” ва “яшил иш ўринлари” бўйича расмий статистик ҳисобот тизимини шакллантириш алоҳида аҳамиятга эга. Бунинг учун SEEA асосида экологик-иқтисодий ҳисобларни жорий этиш, миллий “яшил таксономия”га мос тармоқ классификациясини ишлаб чиқиш ва статистик маълумотларни тизимли равишда оммалаштириш зарур. Чунки яшил иқтисодиёт самарадорлигини аниқ баҳолаш ва унга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш, энг аввало, ишончли ва тўлиқ маълумотлар базасини шакллантиришга боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Pearce, David & Markandya, Anil & Barbier, Edward. (1989). *Blueprint for a Green Economy*. XE2006304284. 10.4324/9780203097298.
2. Barbier, Edward. (2010). *Green Stimulus, Green Recovery and Global Imbalances*. *World Economics*, 11. 149-177.
3. Bowen, Alex & Hepburn, Cameron. (2015). *Green growth: An assessment*. *Oxford Review of Economic Policy*, 30. 407-422. 10.1093/oxrep/gru029.
4. <http://gesd.free.fr/timjack.pdf>
5. Sevara Ibragimova “Reforms in uzbekistan in the transition system to a “green economy””. (2023). *Modern Science and Research*, 2(6), 5-8.
6. Sarbinaz Utegenova., Gulnaz Khaliqnazarova State, dynamics and problems of development of the «green» economy in the republic of uzbekistan. (2024). *modern science and research*, 3(8), 102-107.
7. Rustam Naimov., *Green economy and environmental protection*. (2025). *International Journal of Artificial Intelligence*, 1(1), 180-187.
8. Roziyeva Maftuna, & Makhtimova Zarafshon. (2025). *Financing of entrepreneurial activity in the conditions of a green economy*. *International Journal Of Management And Economics Fundamental*, 5(02), 42–47. <https://doi.org/10.37547/ijmef/Volume05Issue02-10>
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 декабрь 2022 йилдаги ПҚ-436-сонли “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг “Яшил”

иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 октябрь 2019 йилдаги “2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ни Қарори.